

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 248 (11.057)

Баҳоси эркин нархда

## МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДНИ САЙЛАДИ

23 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ М.АБДУСАЛОМОВ 23 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЯНГИ ТАРИХИ, ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ, КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА ТАРИХИЙ БОСҚИЧ БЎЛГАНИНИ ТАЪКИДЛАДИ.**



Сайлов халқнинг хоши-ирода билдириши, сиёсий ҳаёт, давлат ва жамият бошқаруви, давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирок этишининг асосий воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида" ва "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари мамлакатимизда сайловни демократия, очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида ўтказишнинг кафолатидир. Сайлов мўқобил асосда мамлакатимиз Конституцияси ва сайлов қонунчилигида белгиланган демократик тамойилларга тўла мувофиқ тарзда ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" Социал-демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан номзодлар иштирок этди.

Қонунга мувофиқ Президентликка кўрсатилган номзодларга сайлов кампаниясини ўтказиш, сайловчилар билан учрашиш, сайловда ташвиқотида оммавий ахборот воситаларида фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди.

Округ ва участка сайлов комиссияларининг қонунчилик, коллегиялик, ошқоралик, мустақиллик ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда фаолият юритгани сайловнинг демократиклиги ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини таъминлади. Барча 8266 та сайлов участкаси алоқа воситалари, компьютер ва ортехника, сайлов қонунчилиги меъёrlарига оид адабиётлар билан таъминланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида округ ва

участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ўқув семинарлари ташкил этилди. Сайловчилар, аввало, биринчи марта овоз бераётган сайловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида сайлов комиссиялари томонидан кўплаб учрашувлар, семинарлар, жумладан, телевидение ва босма оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Шунингдек, сайлов жараёнининг қарийб 23 минг 300 нафар кузатувчи иштирокида кузатиб борилиши ҳам сайловнинг очик ва ошқоралик бўлишини таъминлади. Бешта халқаро ташкилот — МДҲ, ЕҲҲТ, ШХТ, ЕвРАЭЭС, ИКТ, 30 дан ортик хорижий мамлакатдан келган кузатувчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакиллари сайловни кузатиб борди. Бундан ташқари, сайлов жараёнини ёритишда 300 нафарга яқин мамлакатимиз ва хорижий журналистлар иштирок этди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тadbirkorлар ҳақида кенг жамоатчиликка мунтазам ва тезкор ахборот етказиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ташкил этилди. Бу ерда журналистларнинг самарали ишлаши учун барча қулайликлар яратилди — Интернетга уланган компьютерлар, алоқа воситалари, турли тadbirkorлар ўтказиш учун заллар уларнинг ихтиёрига берилди. Сайловнинг бориши ҳақидаги ахборотлар Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА сайтларида онлайн тартибда жойлаштириб борилди. Мар-

казий сайлов комиссияси Матбуот маркази миллий қонунчилик қондаларини тушунтириш мақсадида округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари ходимлари учун амалий семинарлар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, Тошкентдаги олий ўқув юртлири жамоатчилиги, ёшлар билан учрашувлар ташкил этди. Бундан ташқари, бу ерда мамлакатимиз ва хорижий журналистлар учун матбуот анжуманлари, брифинглар бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов брифинг қатнашчиларига сайловда иштирок этган сайловчилар сони 14 765 444 киши ёки рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг 90,6 фоизини ташкил этганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки яқунларига кўра, Ислом Каримов 13 миллион 8 минг 357 овоз ёки сайловда қатнашган сайловчилар умумий сонининг 88,1 фоизини олди. Аслидин Рустамов 468 минг 64 овоз — овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,17 фоизи, Акмал Саидов 420 минг 815 овоз — 2,85 фоизи, Дилором Тошмухамедова 434 минг 111 овоз — 2,94 фоизи миқдорда овозга эга бўлди. Бунда бюллетенларнинг 2,94 фоизи ҳақиқий эмас, деб топилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси айти пайтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқаётганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунига мувофиқ Марказий сай-

лов комиссияси ихтиёрида қарор қабул қилиш ва сайлов яқунларини матбуотда эълон қилиш учун яна 10 кун вақт бор. Шу мuddат ичида округ сайлов комиссияларининг ҳар бир протоколи, ҳужжати яна бир марта синчковлик билан текширилади. Марказий сайлов комиссияси зарурат туғилган тақдирда айрим участка сайлов комиссияларининг материалларини ҳам текширади ва шундан сўнг қарор қабул қилади.

Брифингда овоз бериш давомида Марказий сайлов комиссиясига сайлов қонунчилиги бузилгани ҳақида шикоят ва аризалар тушмагани таъкидланди.

Миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари ҳақидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юксак ташкилий савияда миллий сайлов қонунчилиги, демократия, очиклик ва ошқоралик каби халқаро тамойилларга мувофиқ ўтгани кайд этилди. Сайловчиларнинг юксак даражадаги фаоллиги Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ва ҳуқуқий етуқлиги ошгани, мамлакат келахаги, янада раванак топиши айнан улар қабул қилган қарорга боғлиқлигини теран англашининг ифодасидир. Мустақил Ўзбекистон халқи Ватан равақи, ўзининг эзгу орзу-умидлари, осуда ҳаёти ва фаровонлиги учун овоз берди.

Анна ИВАНОВА,  
Гулном МИРЗАЕВ,  
ЎзА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2007 йил 31 ДЕКАБРЬ  
ДУШАНБА ИШ КУНИНИ  
2007 йил 29 ДЕКАБРЬ  
ШАНБА КУНИГА  
КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2007 йил 31 декабрь душанба иш куни 2007 йил 29 декабрь шанба кунига кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 24 декабрь

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

- Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ййгилиши бўлиб ўтди. Депутатлар биринчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқишди.

- Нурота туманидаги Сумбулоқ қишлоғи ўқувчилари Арча байрамини янги мактабда нишонлашади. Бу ерда фойдаланишга топширилган мактаб биноси улар учун ажойиб байрам тўғриси бўлди. Қисқа мuddатда фойдаланишга топширилган билим даргоҳини Навоий кон-металлургия комбинати замонавий мебель, компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлади.

- Қашқадарё вилояти марказида истеъмол товарларининг улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳар ва туманларидаги саноат корхоналари билан бир қаторда Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятларидан келган тadbirkorлар ўз маҳсулотларини намойиш этишди.

- Урганчда республика ихтисослашган офтальмология марказининг Хоразм филиали очилди. Ушбу тиббиёт муассасаси тўла таъмирдан чиқарилиб, энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ерда замонавий аппаратуралар ёрдамида аниқ ташхис қўйиб энг мураккаб жарроҳлик амалиётларини баҳарий мумкин.

- Бухоро шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг шашка бўйича етакчи спортчилари беллашган «Буёқ ипак йўли» халқаро турнири яқунланди.

- Эллиққалъа туманидаги «Тоza бог» овул фуқаролар ййғини ҳудудида замонавий «Ешлар уйи» фойдаланишга топширилди. Бу ерда ўндан ортик ййгит-қиз иш билан таъминланди.

- Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги «Қорақўрғон», «Хўжатўни», «Янги чек» сингари қатор маҳаллалар аҳолиси тоza ичимлик суви билан тўла таъминланди. 31 километрлик яроқсиз ҳолга келиб қолган сув қувурлари «Уфқ-96» кўп тармоқли ишлаб чиқариш-савдо фирмаси томонидан қайта таъмирланди.

**ЖАҲОНДА**

- Кеча Россияда 2008 йил — Оила йили, деб эълон қилинди.

- Туркия ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари Ироқ шимолидаги Кандил тизма тоғларига ракета-бомба ҳужуми уюштирдилар. Туркия ҳарбий вазирлиги томонидан тарқатилган баёнотда айтилишича, қурд қуролли кучларини йўқ қилишга қаратилган бундай ҳужумлар яна давом этади.

- Африканиннг оғриқли нукталаридан бири бўлмиш Сомалида ҳукумат кучлари ва исёнчиларнинг қуроли тўқнашуви яна авж олиб кетди. Мамлакат пойтахти Могадишода бошланиб кетган ўзаро қуроли тўқнашувларда ўнга яқин тинч аҳоли ҳалок бўлди.

- «Бойқўнғир» космодромидан Россиянинг «Прогресс» юк кемасининг парвози муваффақиятли амалга оширилди.

- Миср шарқидаги Александрия шаҳрида жойлашган 12 қаватли уйнинг саккиз қавати тўсатдан қулаб тушиши оқибатида камидан 20 киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу воқеа сабаблари ҳозирча аниқ эмас.

- Душанбе—Хўжанд трассасида кучли қор кўчкиси рўй берганлиги оқибатида ўн киши қалин қор тагида қолиб ҳаётдан кўз юмди.

- Исроил ҳукумати фаластинлик жангариларнинг ракета ҳужумига қарши «Темир гумбаз» барпо этиш режасини тасдиқлади. Ушбу мудофаа тизимининг 2010 йилда ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Мазкур лойиҳаниннг амалга оширилиши учун 811 миллион АҚШ доллари сарф этилиши мўлжалланмоқда.

- АҚШнинг шимоли-шарқий ва марказий туманларида қалин қор ёғиши оқибатида сўнги маълумотларга кўра 19 киши ҳаётдан кўз юмган, ўн минглаб хонадонлар электр қувватисиз қолган. Йўлларни муз қоплаши натижасида кўплаб автоҳалокатлар рўй бермоқда. Хусусан, Техасда бир йўла 50 та автомобиль тўқнашиб кетган.

- Ироқнинг бир йил олдин қатл этилган собиқ президенти Саддам Ҳусайн учун маҳсус қурилган яхта сотувга қўйилди. Мазкур бетакор кеманиннг нархи 17 миллион фунт стерлинг ёки 34,5 миллион долларга баҳоланмоқда.

### ШХТ Кузатувчилари миссияси: САЙЛОВ ҚОНУНИЙ, ЭРКИН ВА ОШҚОРА ЎТДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТГАН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ШХТ) КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗ ВА ХОРИЖИЙ ЖУРНАЛИСТЛАР, ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР, ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ ҚАТНАШДИ.

ШХТ Кузатувчилари миссияси раҳбари, ШХТ Бош котиби Б.Нургаллиев Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда иштирок этган ШХТ Кузатувчилари миссиясининг баёнотинини ўқиб эшиттирди.

Ҳужжатда миллий сайлов қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тааллуқли қисмининг ШХТ Котибияти экспертлари томонидан ўтказилган таҳлилига кўра, ушбу қонун умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларига ва демократик меъёrlарга мос

келиши қайд этилган. У сайловчиларга эркин хоши-ирода билдириш ва яширин овоз бериш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди. Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган барча Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловда ташвиқотини ўтказиш ва сайловчиларни ўз дастурлари билан таништириш учун тенг имкониятга эга бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).

### МДҲ Кузатувчилари миссияси:

**САЙЛОВ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИГА АЙЛАНДИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТГАН МДҲ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗ ВА ХОРИЖИЙ ЖУРНАЛИСТЛАР, ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР, ЮРТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ ҚАТНАШДИ.

(Давоми 2-бетда).

### ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ 2007 йил 28 декабрь кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳрида учинчи чақирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн бешинчи сессияси чақирилди. Сессия Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида бўлиб ўтади

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:  
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳрини 2007 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қутилаётган яқунлари ҳамда 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифалар тўғрисида,  
— «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилиши тўғрисида,  
— Тошкент шаҳар давлат бюджетни ижроси ва 2008 йил бюджетни лойиҳаси тўғрисида,  
— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Коммунал хўжалик ва аτροφ муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг ҳисоботи,  
— Бошқа масалалар.

**ПОЙТАХТНИНГ ДИР КУНИ**  
Янгиликлар, воқеалар

**Кечка**  
сатрларда

- **КЕЧА** Ҳамза туманидаги 103-маҳсус-мактаб-интернатда тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида уюшти-

рилган тadbirkor «Янги йил саргузаштлари» деб номланди.

- **Бугундан** Алишер Навоий номи академик катта театри ижодкорлари томонидан болажонлар учун тайёрланган «Кўзгу

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ортига мўъжиза истаб» спектакли намойиш этила бошланди.

- «**СЕН** ёлғиз эмассан» жамғармаси хомийлигида шаҳримиздаги 23-Меҳрибонлик уйи биноси бунёдкорлар томонидан қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Айни кунларда Меҳрибонлик уйи ҳудудида жамғарма ташаббуси билан спорт мажмуаси бунёд этилмоқда.

**ШХТ Кузатувчилари миссияси:**

**САЙЛОВ ҚОНУНИЙ, ЭРКИН ВА ОШКОРА ҲАМДА**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кузатувчилар ўз фаолияти давомида Президентликка номзодларнинг сайловдони шартлари раҳбарлари билан учрашди, Бухоро, Тошкент ва Когон шаҳарларидаги округ ва участка сайлов комиссияларида сайловга қандай тайёргарлик кўрилгани билан танишди.

Миссия вакиллари бир қанча сайлов участкаларида бўлиб, уларда овоз бериш ва овозларни санаб чиқишни ҳам кузатишди. Миссия баёнотида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида" ва "Фўқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларига тўла мувофиқ тарзда сайловчиларнинг эркин хоҳиш-ирода билдириштини таъминлайдиган амалий, тинч ҳамда пухта ташкил этилган шартда амалга оширилгани таъкидланган.

Миссия ташриф буюрган сайлов участкаларида Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари, сайловчилар ташаббускор гуруҳи ва бошқа жамоат бирлашмаларидан кузатувчилар ҳам бор эди. Баёнотда сайлов жараёни давомида ушбу кузатувчилардан Миссия вакиллариға ҳеч қандай шикоят ва танқидий фикрлар билдирилмагани қайд этилган. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда овозларни санаб чиқишда Миссия вакиллари томонидан "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги қонун талаблари бузилган ҳолатлар аниқланиши айтилган.

ШХТ Кузатувчилари миссияси баёнотида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов қонуний, эркин ва ошқоқар ва халқаро сайлов стандартларига тўла мос келиши таъкидланган.

Матбуот анжуманида ШХТ Кузатувчилари миссияси аъзолари, ШХТ Котибияти маслаҳатчилари С.Треначев ва Ци Яньчи ҳам иштирок этди.

Матбуот анжуманида иштирок этган журналистлар Ўзбекистон Республикаси сайловида ШХТ Кузатувчилари миссиясининг ишлари натижалари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

(ЎЗА)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Б. Алимов бошқарди.

МДХ Кузатувчилари миссияси раҳбари, МДХ Ижроия кўмитаси раиси — ижрокотиби С.Лебедев Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишни кузатиш натижалариға бағишланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилари миссиясининг баёнотини ўқиб эшиттирди.

Миссия таркибида МДХға аъзо давлатлар ижроия ва сайлов органларидан, шунингдек, ЕврАзЭС ва МДХ Ижроия кўмитасидан 79 нафар халқаро кузатувчи рўйхатга олинган. Сайлов жараёни кузатиш ишлари 10 декабрдан бошланган.

Тошкентда Миссия штаби, Бухоро, Самарқанд ва Фарғонада унинг бўлимлари ташкил этилди. Сайлов кампанияси мониторинги давомида кузатувчилар Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 1207 та сайлов участкасида, шу жумладан овоз бериш куни 703 та сайлов участкасида бўлдилар.

Баёнотда Ўзбекистонда Президент сайлови ва овоз беришга тайёргарлик кўришни халқаро ва ички кузатиш учун зарур ҳуқуқий ҳамда ташкилий-техник шароитлар яратилгани қайд этилган. МДХ Халқаро кузатувчилари сайлов жараёнини тартибга солишчи ҳужжатлардан фойдаланиш, Президентликка номзодларнинг сайловда шартлари раҳбарлари ва сайловчилар билан учрашиш, барча участка ва округ сайлов комиссия-

ларига бориш ҳамда зарур ахборотларни олиш имконига эга бўлдилар. Кузатувчилар Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда иш юритди ва Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этди. Сайловни ташкил этишда иштирок этган барча тузилмалар кузатувчиларға ўз вазифасини бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатди.

лари иштирокида 50 га яқин тадбир — брифинглар, матбуот анжуманлари, семинарлар ўтказилди.

МДХ Кузатувчилари миссияси нафақат сиёсий партиялар, балки бевосита фўқаролар ҳам сайловчилар ташаббускор гуруҳларини ташкил этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга эканини ижобий баҳолади. Президентликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳиға сайловда таъшиқоти учун оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Баёнотда таъкидлангандек, бунинг Миссия штаби

**МДХ Кузатувчилари миссияси:**

**САЙЛОВ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИДИГА АЙЛАНДИ**

Баёнотда МДХ Кузатувчилари миссияси экспертлари ўзлари ўтказган таҳлилларни ҳисобга олган ҳолда, миллий сайлов қончилигида фўқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, эркин ва демократик сайловларни ташкил этиш тўғрисидаги халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий тамойиллари, сайловларнинг умумий ҳусусияти, тенг сайлов ҳуқуқлари, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш, сайловларда ихтиёрий иштирок этиш, уларни ошқоқар ўтказиш тамойиллари акс этгани таъкидланган.

Ҳужжатда барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти очик ва ошқоқар ташкил этилгани қайд этилган. Марказий ва округ сайлов комиссиялари мажлисларида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этди. Сайлов кампанияси давомида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакил-

ларига бориш ҳамда зарур ахборотларни олиш имконига эга бўлдилар. Кузатувчилар Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда иш юритди ва Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этди. Сайловни ташкил этишда иштирок этган барча тузилмалар кузатувчиларға ўз вазифасини бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатди.

томонидан ўтказилган ижтимоий-сиёсий газеталар ва телевизион каналлар мониторинги натижалари ҳам тасдиқлайди. МДХ Кузатувчилари миссияси ташвиқот кампанияси ҳуқуқий ва одоб-ахлоқ меъёрлари доирасида ўтди, деб ҳисоблайди. Сайловларда Президентликка номзодларнинг сайловда дастурларини таққослаш ва овоз бериш куни асосий равишда мустақил танлаш ва сайлаш имкониятиға эга бўлди.

Баёнотда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилари миссияси сайловни эркин, очик ва ошқоқар ўтди, деб ҳисоблаш қайд этилган. Ушбу ҳужжатда сайлов Ўзбекистонда ижтимоий Ҳаётни янада демократлаштириш ва давлатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилга айланиши эътироф этилган.

Матбуот анжуманида катнашган журналистлар Миссия фаолиятиға доир барча саволларига жавоб олдилар.

(ЎЗА)

**Иқтисодиёт**

**«КНАМЗА» САВДО БЕЛГИСИ БИЛАН**

**ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ҲАР БИР МАҲСУЛОТНИНГ ДИЗАЙНИГА ҚАРАТИЛГАН ЮКСАК ЭЪТИБОР БОЗОР ВА ХАРИДОР ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

«КНАМЗА» савдо белгиси билан эркаклар кийим-кечаклари тайёрлаётган «TALVANA» хусусий фирмаси тadbirkorлари ҳам ана шуни ҳисобга олган ҳолда ўз маҳсулотлари дизайни устида тинмай иш олиб боришда, харидор дид ва эътиёжини ўрганишға катта эътибор қаратишди.

— Асосий мақсадимиз ички бозорни импорт ўрнини босувчи эркаклар костюм-шимлари билан таъминлаш ва шунинг баробарида экспортбоп товарларимизни хорижға экспорт қилишдир, — дейди хусусий корхона раҳбари Хамза Хушваков. — Фаолиятимиз даврида эзгу ниятимизға эришиб бормоқдамизки, бу ишлаб чиқариш ривожидда, харидорлар сафи кенгайишида, маҳсулот турлари орттишида намоен бўлмоқда. Илк фаолиятимиз даврида туркилик мутахассислар кўмагидан самарали фойдаланган бўлсак, бугун ўзимизнинг дизайнер модельерларимиз фаоллиги ошиб бормоқда. Шу боис ҳам Япония фирмасининг «Brother» дастгоҳлари ҳамда Туркиядан келтирилган ва маҳаллий сифатли матолардан тайёрланаётган эркакларға мўжалланган костюм, пиджак ва шим сингари кийим-кечаклар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда ўтказилаётган кўрғазма ва савдо-ярмаркаларида иштирок этаяётган корхона тadbirkorларининг сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари алоҳида эътироф этилмоқда. Янги маҳсулотлар тайёрлаш йўлида изланаётган жамоа ахли бозорни ўрганиш асосида жинси матосидан эркаклар ва аёллар учун устки кийимлар тикитиши йўлга қўйишга интиломоқда. Харидорларға қулайлик яратиш мақсидида корхонанинг фирма дўконлари ҳам пойтахтимиз бозорларида фаолият юритмоқда.

Нозима АҚРОМОВА

**ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА**

**ЭКСПОРТНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ УЧУН, АЛБАТТА ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ БАРОБОРИДА ХОРИЖИЙ ХАРИДОРЛАР ТАЛАБИНИ, ТАШҚИ БОЗОРНИ ҲАМ ТИНМАЙ ЎРГАНИШ ЛОЗИМ БЎЛАДИ.**

Ана шунга қатъий амал қилингани боис ҳам «Ройсон электроникс» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган юқори сифатли маҳсулотларнинг нафақат республикаимизда, балки кўшни Афғонистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатларда харидорлари сафи ортиб бормоқда.

Корхона 2002 йилда иш бошлаган бўлсада, қисқа давр мобайнида ички бозорда ўз ўрнини топди. Ҳозирда корхона цехларида тайёрланаётган четниқанда асло қолдишмайдинган рангли телевизор, уй кинотеатри, кондиционер, видеоплейер ҳамда бошқа маҳсулотлар истеъмолчиларға хар томонлама манзур бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, йил сайин изланиши самара бераётгани боис ҳам ишлаб чиқариш ҳамши ортиб бормоқда. Агарда ўтган йилда корхонанинг асосий маҳсулоти билган телевизорларнинг ўзидан 100 минг дона ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда ушбу қўрсаткич бир неча баробарға ошиши режаланган. Шунингдек, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Замонавий турдаги музлатгич ва кир ювиш машиналари тайёрлаш ҳам кўзда тутилмоқда.

**СОҒЛИҚҚА ФОЙДАЛИ**

**БУГУНГИ КУНДА ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ИНСОН САЛОМАТЛИГИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИГАН ШИФОБАХШ СУВЛАР ТУРЛИ ХИЛ ИДИШЛАРДА ҚАДОҚЛАНГАН ҲОЛДА ТАЙЁРЛАБ БЕРИЛМОҚДА.**

Албатта, бунда замонавий техника ва технологиялардан умумли фойдаланиш яхши самара бермоқда. Германиядан келтирилган ўрнатилган линиялар қувватидан фойдаланиб малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда табиий хом ашё—тоғ сувларидан тайёрланаётган «SHAFFOF SEPVIS» хусусий корхонасининг шифобахш булақ сувлари юксак физиологик фаолликка эга бўлиб, организмда модда алмасишунини ижобий таъсир кўрсатади, янашарга иштиёқни оширади, бактерияларға қарши курашиб, организмдаги ортиқча шлақларни тозалашда ёрдам беради.

Табиий булақ сувини тозалаш асосида қадоқланаётган «SHAFFOF» сувлари харидор эътиёжига яраша 0,335, 0,555, 1,555 ва 5 литрлик пластмаска идишларда чиқарилмоқда. Ҳозирда мамлакатимиздаги замонавий меҳмонхоналар, рестороанлар, супермаркетлар, турли идора ва ташкилотлар ушбу шифобахш сувнинг асосий харидорлари сафидан ўрин олган.

Юртимиздаги барча истеъмолчиларға қулайлик яратиш ва «SHAFFOF» сувларидан уларни баҳраманд этиш мақсидида Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Андижон ва Навоий шаҳарларида корхонанинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Нукус ва Бекобод шаҳарларида ҳам ана шундай филиалларни очиш кўзда тутилган. Яна шуни ҳам таъкидлаш ўттиш жоизки, бююртмачиларға корхонанинг махсус автомашиналарида маҳсулот теъзиб бериш йўлга қўйилган бўлиб, хизматнинг бепуллиги ҳам катта қулайликлардан саналади. Энг муҳими эса хизмат кўрсатаятган автомашиналарға назорат касса аппаратлари ўрнатилган.

Корхона ишчи-хизматчиларига яратилган қулай меҳнат шартлари, бепул овқат билан таъминланишилари, яхши дам олишилариға қаратилган эътибор муваффақиятларға гаров бўлмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

**Транспорт**

**ЯНГИ РУСУМДАГИ АВТОБУС**

**ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАҲТИДА ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТИНИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ МАҚСАДИДА ЯНГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ.**

Унда «Голден Драгон» русумли автобуслардан ҳам фойдаланиш кўзда тутилди.

Гап шундаки, бундай замонавий транспорт воситаси Хитой автомобилсойлази билан Самарқанд автомобилъ заводи ҳамкорлигида ишлаб чиқарилади. Кенг қамровли сизимға эга бўлган бу хил автобусдан биттаси тайёрланди. Ҳозир шарҳимизда таъриба синновдан ўтаётган «Голден Драгон»нинг ўлкаимиз иқлим шартлариға мослиги ва ишчанлиги тўла намоен бўлғач, улардан яна ўнтаси Тошкентга олиб келинади.

Хитойлик автомобилсойлаз делегациясининг республикаимизға ташрифи чоғида бу ҳақда «Голден Драгон» компанияси билан «Тошшаҳартрансхизмат» уюмаси ўрттасида шартнома имзоланди.

Анвар ОБИДОВ

**Сўз — сайловчиларга**

**ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ ВА ИСТИҚБОЛИ УЧУН**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА, МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ҲАМДА ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАРГА МУВОФИҚ БЎЛИБ ЎТДИ. МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИДАГИ УШБУ МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁНДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВ ОКРУГИ ҚАМРОВОДАГИ 653 ТА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ БЎЙИЧА РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ФўқАРОЛАРИМИЗ ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ. ҚЎЙИДА АЙРИМ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ ФИҚР-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ ҲАВЛАТА ЭТАМИЗ.**

**Муаззам САЛОҲИТИДИНОВА, «Қори ёғди» маҳалласи фўқароси, 80 ёш:**

— Аслида сайловға таклифнома олганимда, уйда овоз бериш истиғини билдирганим, — деди онахон. — Хонадонимиз сайлов участкаси жойлашган 109-мактабға туташган. 23 декабрь куни бу ерда сайловға тайёргарлик эрта билан соат бешларда бошланди. Давлатимиз мадҳисини янграганда эса мени алоҳида бир тўйғу қамраб олди... Шу заҳотиёқ ўзимда куч тўллаб, сайлов участкасига чиқишға қарор қилдим. Кимға овоз беришни олдиндан ўйлаб қўйганим. Бу борада қўпчилик ота-оналар қатори, албатта, мен учун ҳам фарзандларим, неварачевараларим истиқболи устундир.

— Бувижоним менға ҳар доим намуна бўлиб келганлар, — дейди Муаззам ая билан участкаға бирға келган Замира. — Бундай сиёсий аҳамиятга эга жараёнда илк бор катнашишим. Касб-хунар коллежини битиргач, уйимизга яқин бўлган тикувчилик фабрикасида ишлаб бошладим. Яқинда турмушға чиқдим ва фабрика раҳбарияти уй шароитида ишлашимға рухсат берди. Касаначилик айниқса аёлларға қулайдир, бу оила мустақамлигининг гарови десак адашмаймиз. Кейинги йилларда ёш оилалар муаммоларига катта эътибор қаратилмоқда, хусусан, уй-жой масалаларини ҳал этиш юзасидан бир қанча меъёрлар жорий этилмоқда ва уллардан бизнинг ҳам умумли фойдаланиш истиғимиз бор... Мен ўз овозимни барча оилалар фаровонлиги, бўлажак фарзандларим бахту саодати учун бердим.

**Умархон ШАМИДДИНОВ, Тошкент давлат юридик институтини талабаси:**

— Мен учун бу йил ҳам, бугунги кун ҳам хотирамда алоҳида муҳрланиб қолади, сабаби, 23 декабрь куни мен 18 ёшға тўлдим. Бу йили Тошкент

давлат юридик институтига кирдим. Мана энди Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига қатнашиб, яна бир конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланишға муюссар бўлиб турибман. Ишончим комилки, менинг овозим албатта эътибор-ға олинади, зеро мустақиллигимиз мустақамланиши, эр-танги кунимиз фаровонлигиға йўналирилган илоҳотлар янада чуқурлаштирилиши тарафдориман.

**Комил СУЛТОНОВ, Тошкент давлат шарқшунослик институтини талабаси:**

— Мен учун ҳам бу йил алоҳида аҳамиятлидир. Орзу қилган олиий ўқув юртиға кирдим. Биринчи имтиҳонларимни аълоға топширдим. Келгусида ҳам шундай ўқишға ҳаракат қиламан. Бу ўқув юртини тугатгач, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини магистратурасига кирмоқчиман. Орзум — дипломат бўлиш. Бунинг учун турли соҳада мукамал билимға эга бўлиш зарур, бу борада тегишли кўникмалар орттириш ҳам муҳимдир. Биринча менинг мисолимда мамлакатимизда ўсиб келаятган авлодға давлат сиёсати даражасида бўлаётган гамхўрликни аниқлаш қийин эмас. Мен мустақил давлатимизда айнан шу йўналишдаги сиёсатнинг давом эттирилиши учун ишонч билан овоз бердим.

**Александр АЙЗИМЕ, Файзулла Хўжаев номи маҳалла фўқароси, уруш фахрийси:**

— Ёшим 83 да. Кимгадир шу ёшда ҳам кераклигини ҳис этиб яшашдан катта бахт бўлмаса керак. Оз бўлса ҳам, бирон-бир юмудда маҳалламада фойдадан тегиб колар деган умид билан ҳар кунни гузарға келаман. Маҳаллаимизда уюштирилган барча тадбирларда фаол қатнашаман... Сайлов куни эрта тонгдан сайлов участкасида ҳозир бўлган кўплаб ёшларни кўриб, кўзимға ёш келди. Албатта, бу кувонч, ҳаётдан

мамнуният ёшлари эди. Фарзандларимиз муносиб авлод бўлиб униб-ўсаётгани, уларға бемалол буюк ишларни ишонч топириш мумкинлигини яна бир бор ҳис этдим...

**Нина КОЛЕСНИКОВА, «Мингўрик» маҳалласи фўқароси, 89 ёш:**

— Тошкентда тўғилиб ўсганман. Ўзбекларнинг анъанаю урф-одатлари менинг оиламға шунчалик сингиб кетгани, ҳаттоки баъзида рус эканлигимни ҳам унутиб қўяман. Тилини ҳам яхши ўзлаштирганман. Ўзбек аёл кўшилирини билан яқинда Кўрбон хайитини кенг ишонладик. Кенг дастурхон атрофида маслаҳат қилиб, маҳалладошларимизға намунча бўлайлик дея, эрта билан сайлов участкасига чиқариш келишиб олчдим... Муболагасиз, Ломоносов номи Москва давлат университетини филиали тасарруфида ташкил этилган ушбу участкада сайловға тайёргарлик ишларини юқори савияда ташкиллатиришда мазкур таълим даргоҳи ўқув жараёниға кенг жорий этилган энг замонавий теологик услублардан фойдаланилигини қўл келди. Деярли бир асрлик ҳаётни яшаша қўйдик. Бошимиздан кўп синновларни ўтказдик. Демокриманки, тинч-осуда ҳаёт кечираймиз. Бу иньомларнинг қадриға этишимиз керак. Тинчлик-хотиржамлик ила мамлакатимиз равнаки учун овоз бердим.

**Хайрулла УБАЙДУЛЛАЕВ, «Бекобод» маҳалласи фўқаролар йигини раиси:**

— Сайловдан бир кун аввал шахримиз кўчалари бўйлаб сайр қилиб, яна бир бор қувончим ортди. Қаерға қараманг — бунёдкорлик оидмлари яққол кўзға ташлансади, бозорларимиздаги тўкин-сочинлик эса баҳри-дилигини яшнатади... Ана шундай кайфият билан эрта тонгдан сайлов участкасига келиб, тинлик-омонлик, мустақиллигимиз бардавонлиги, дастурхонларимиз баракаси учун овоз бердим.

**Мактуба НИФМАТОВА, «Қори ёғди» маҳалласи фўқароси, 78 ёш:**

—Яқинда кўзимға жарроҳлик муолажаси қилинганлиги сабабли, афсуски, шахсан сайлов участкасига чиқишға имкониятим бўлмади. Илтимосим инобатта олиниб, сайлов комиссияси вакиллари сайлов кўмитиси билан уйимизға келишганидан қувондим. Битта фарзандим бўлса ҳам, аммо жуда бадавлат бувиман — етти нафар неварачевараларим бор. Учтаси олиий маълумотли, эгаллаган мутахассисликлари бўйича фаолият юритишмоқда. Кенжа набирам Зафар бу йили Тошкент Давлат техника университетини кирди. Уқишдан бўш вақтида маҳаллаимиз гузаридан очган радиотелеаппаратура таъмирлаш устaxonасида банд бўлади. Энди 19 га тўлди, ёш бўлишға қарамасдан, оиламиз бюджетига ўз хиссасини қўшмоқда... Сайлов участкасига эрта тонгда — очилишиға борди. Қайтиши биланқўз таассуротларини биринчи бўлиб менға айтиб берди. Ҳаётда фаол бўлиш, одамларға ёрдам қўлини қўиш, жамиятға фойда келтиришға йўғрилган панду-насихатларим зое кетмаётгани, набираларим дунёқарашиди ўз аксини топаётганидан бевада шукр қиламан...

**Олимхон ШАРИПОВ, «Қоратош» маҳалласи фўқароси:**

— Қадрдон бўлиб қолган 324-мактаб худудидиға 483-сайлов участкасида ўқитувчиларим ва синфдошларим билан яна бир бор учрашганимдан хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, мактабдаги устозларимға мустақил ҳаётимда эришган илк ютуқларим учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Мен Тошкент Тиббиёт академиясида тахсил олаётиман. — Едимда, бир пайтлар ота-онам билан икки марта сайлов участкасига бўлиб, овоз бериш жараёнини кузатганим. Мана, вақти келиб сайловчи бўламан деган болаликдаги ҳавас-орзуим

**ЮРТДОШЛАРИМИЗ ХАЖ ЗИЁРАТИДАН ҚАЙТМОҚДА**

раҳбари Ислол Каримовдан баъоят миннатдоримиз. Бу йил мусулмонларнинг муқаддас ҳаж зиёрати Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов кампанияси билан бир вақтга тўғри келди. Шу боис муқаддас сафарға йўл олаётган ҳамюртларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сайлов ҳуқуқидан фойдаланишлари учун уларға олдиндан овоз бериш имконияти яратилди.

— Мен ҳаж сафарига кетишдан олдин сайлов қонунчилигимизда белгиланган имкониятдан фойдаланиб, ўзим муносиб топган номзод учун аширин равишда овоз бердим, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидан ҳаж зиёратига бориб келган 72 ёшли Шаҳоб бобо Хамроев. — Бу сайлов қонунчилигимиз мукамал ишлаб чиқилганидан далолат беради. Биз 23 декабрь

куни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови юксак савияда ўтганини ўша юртда туриб эшитдик ва бундан суюндик.

— Мадина шахриға боришимиз билан бизни ўзбекистонлик ишчи гуруҳи аъзолари қутиб олди, — дейди сурхондарёлик Йўлдош Бердимуродов. — Уша куни биз учун ажратилган меҳмонхоналарға жойлашдик. У ерда бизға юқори даражали хизмат кўрсатилди.

Ватандошларимиз ҳаж зиёратини адо этиш асносида мамлакатимиз тинчлик-осойишталиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган хайрли ишларға Яраттанининг ўзи ривож беришини сўраб дуо қилдилар.

Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

**МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗ, ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ.**

**ЮРТДОШЛАРИМИЗ ИСЛОМ ДИНИНИНГ БАРЧА АРҚОНЛАРИНИ, ЖУМЛАДАН, ҲАЖ АМАЛЛАРИНИ ЭМИН-ЭРКИН АДО ЭТИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛДИЛАР.**

**ЮРТИМИЗДАН ҲАЖ ЗИЁРАТИГА ЙЎЛ ОЛГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ДАСТЛАБИКИ ГУРУҲИ САУДИЯ АРАБИСТОНИДАН ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ.**

**Фармон ва ижро**

**ЁШ ОИЛАЛАР КЎЛАБ-КУВВАТЛАНМОҚДА**

**ОТА-БОБОЛАРИМИЗ АЗАЛ-АЗАЛДАН ОИЛАНИ МУҚАДДАС ДАРГОҲ СИФАТИДА БИЛИШГАН. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ЭНДИГИНА МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ ҚЎЙГАН ЁШ ОИЛАЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАК БЕРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШГАН. БУ БЕЖИЗ ЭМАС. САБАБИ, ОИЛА ВАТАНИМИЗНИНГ БИР БЎЛАГИДИР. АЙНИҚСА, БУ УДУМЛАРИМИЗ ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАЧ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИДИР.**

Хусусан, жорий йилда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш янада кучайтириш, мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора тadbирлар тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

—Оқоридагилардан келиб чиқиб, республика Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 23 майда махсус буйруғи ишлаб чиқилганлиги биз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда,— дейди биз билан сўхбатда Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари Акмал Каримов.—Бу соғлиқ идоралари ходимлари зиммасига низоҳатда катта масъулият юклайди. Яъни мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини солиқ тўловчиларга кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш, бу борада тadbирлар ишлаб чиқиш, солиқ имтиёзларининг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш аниқ белгилаб берилган. Шулардан келиб чиқиб, ҳудудимизда Маънавият-тарғибот марказининг туман бўлими хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла» жамғармаси, Миллий банк ва «Оила» марказининг ҳудудий раҳбарлари билан ҳамкорликда «Роҳат», «Миришкор», Ҳ.Бойқаро, «Истиқбол», «Чашма», «Махнунто», «Зилола», «Нурафшон» сингари қатор маҳаллаларда тadbирлар ташкил этилди. Унда солиқ тўловчиларга кенг тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, ушбу тadbирлар асосида туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда уй-жойга муҳтож ёш оила қурувчиларнинг оилавий аҳволи ўрганиб

чиқилди. Шу асосда уларнинг маълумоти, иш билан бандлиги ва кўмакка муҳтожлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар тўпланди. Шулардан келиб чиқиб юқорида номлари тилга олинган ташкилот раҳбарлари билан биргалликда аниқ иш режаси ишлаб чиқилди.

Энди бевосита яратилган солиқ имтиёзларига тўхталадиган бўлсак, ёш оилалар эътиборига қўйидаги маълумотларни ҳавола қилишни жоиз деб топдик. Жумладан, ёш оилалардан бири мabодо банкдан шахсий уй-жой қуриш, таъмирлаш, кўп қаватли уйлardan хонадонлар сотиб олиш учун ипотека кредитлари олгудек бўлса, иш ҳақи ва қўшимча даромадлардан солиқ тўлашдан озод этилди. Шунингдек, кредитнинг фоизларини қоплаш учун тўланган маблағдан ҳам солиқ ундирилмайди.

Агарда иш берувчи ўз ходимига уй-жой сотиб олиш учун маблағ ажратган бўлса ҳам солиққа тортилмайди. Фақатгина банк кредити асосида сотиб олинган мулк рўйхатга олинган кундан бошлаб, беш йил ичида сотилса даромад солиғига тортилиши белгиланган.

Бундан ташқари, ҳўжалик субъектлари ўз ҳисобидан ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларнинг ипотека кредитлари бадалларини тўласа, ёхуд уй-жой сотиб олишлари маблағ ажратилса, ана шу тўланган маблағнинг тенг баравари миқдоридан даромад ёки ягона солиққа тортилмайди. Аммо солиққа тортиладиган базани 10 фоиздан ошмаган миқдорда камайтириш ҳуқуқини беради.

Қўриниб турибдики, буларнинг барчаси ҳуқуқимизнинг ёш оилаларнинг эртанги камоли, баркамол авлод келажакга йўлида олиб бораётган одилона сиёсатнинг намунасиридир. Янада аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, ушбу Фармон келажақ ворислари ҳақида қилинган гамхўрликнинг ифодасидир.

**Даврон ИСМОИЛОВ**

**АҲОЛИНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН РАҒБАТЛАНТИРИШ, МОДДИЙ ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

**Касаба уюшмаларида**

**ФАОЛИЯТ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ**

Шу маънода Тошкент шаҳар Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тadbиркорлар уюшмаси Кенгашининг IV Пленумида бу борадаги ишлар таҳлил этилди. Унда соҳа ходимлари, мутасадди ташкилот вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Анжуман давомида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек ўтган давр мобайнида иш режасига мувофиқ шаҳар касаба уюшмаси кенгаши раёсатининг 4 та ййгилиши ўтказилди ва уларда 128 та муҳим масалалар қўриб чиқилди. Шу билан бир қаторда янги касаба уюшмаси ташкилотларини тузишга катта эътибор қаратилди.

Шаҳар кенгаши ходимлари туман кенгаши, вакиллик ходимлари билан юзлаб корхона, ташкилотларда бўлишиб, у ерда фаолият олиб бораётган соҳа ходимлари билан суҳбатлар олиб боришди, касаба уюшмасига аъзоликнинг афзалликлари ҳақида тушунчалар беришди. Қўрилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ жорий йилнинг 11 ойда тармоқ касаба уюшмаси хизмат доирасига 43 та ташкилот ёки 338 та касаба уюшмаси аъзоси қабул қилинди.

Бундан ташқари шаҳар кенгашининг тасарруфидаги корхоналарда жамоа шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш юзасидан муайян тadbирлар амалга оширилди. Жамоа шартномалари ва унга илова қилинадиган ички меъёрий ҳужжатларнинг амалда бажарилиши борасида доимий назорат олиб боришмоқда. 2007 йилнинг 1 декабрь ҳолатига қўра, 675 та жамоа шартномаси ҳисобга олинган ва барчаси экспертизадан ўтказилди. Жами жамоа шартномалари орқали 26144 нафар турли соҳа ходимлари қамраб олинган ва бу кўрсаткич 42 фоизни ташкил этади. Бу эса 2006 йилга нисбатан 1310 ходимга ёки 3 фоизга ортиқ. Ўтган давр мобайнида, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилиши учун 170 миллион 816 минг сўм маблағлар ҳўжалик ва касаба уюшмаси ҳисобидан сарфланган.

Тadbирда сўз олган туман кенгаши раҳбарлари, вакиллари бу борада, эришилаётган ютуқлар, масалалар ечимига жиддий таъсир кўрсатаётган муаммолар, галдаги иш режалари ҳақида маърузалар қилишди.

Анжуман давомида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб тегишли қарор қабул қилинди. Унда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг ҳалқ оммасига тарғиб қилиш, кириб келаётган 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан аҳолининг ёш қатлами вакиллари ўртасида маърифий суҳбатлар уюштириш, шаҳар тармоқ тизимидаги касаба уюшмаси ташкилотларида меҳнатқашлар, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қўшимча имтиёзлар, меҳнат шарт-шароитларини яратиш, шунингдек, ҳуқуқий ёрдам қилиш, кам таъминланган, кўп болали ва ёш оилаларни, ногирон, боквечисини йўқотган оилаларни қўллаб-қувватлаш сингари вазифалар белгилаб олинди.

Тadbир якунида Тошкент шаҳар касаба уюшмаларининг меҳнатқашлар ўртасидаги «Саломатлик» спартакиадасида Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тadbиркорлар касаба уюшмаси Кенгашининг «Тadbиркор» минифутбол жамоасининг пойтахт миқёсида, шунингдек, Бўхоро шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерацияси Кенгашининг «Саломатлик» Республика спартакиадасида ҳам биринчи ўринни қўлга киритганлиги муносабати билан жамоа аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**Алоқа**

**СИФАТЛИ ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ**

**ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ҲАМДА «ТSHтТ»НИНГ ҚЎШИМЧА ХИЗМАТ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНМОҚДАЛАР.**

Шаҳримизнинг тўлиқ рақамлаштирилган АТСларга ўтишида ҳам асосий ўрин тутган «Ўзбектелеком» компаниясининг бўлини маси бўлиши бу етакчи оператор таркибида 6 та телефон боғланмаси, станциялараро алоқа боғланмаси, бир қатор йирик дастурлар билан таъминловчи Ахборот ҳисоблаш маркази каби бўлиналар бор.

Мижозларга сифатли алоқа хизмати кўрсатиш мақсадида яна қатор техник тadbирлар амалга оширилмоқда. Соҳавий инфратузилмани ривожлантириш йўлида ҳам янги вазифалар белгилаб олинди. Рақамли коммутация тизимлари, мультисервис тармоқлари ҳам янада ривож топади.

Уй телефонларидан овозли хабар узатиш воситаси сифатида фойдаланишга ҳам киришилди.

**ИНСТИТУТДА ЯНГИ ЛАБОРАТОРИЯ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ ҲАМДА УЎЗНИНГ КЎП ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА ТАЛАЙГИНА МАЛАКАЛИ ЁШ КАДРЛАРИ ТАЙЁРЛАБ БЕРДИ.**

Олий ўқув юртининг факультет ва кафедраларини замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозлаш йўлида қўрилган тadbирлар ҳам қўрилган натижаларни берди. Институтнинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси, Тошкент авиация ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорлиги кучайди.

Фазовий парвозлар соҳаси билан боғлиқ ўқув машғулоти ташкил этилмоқда. Сунъий йўлдош техникаларини пухта ўзлаштириш мақсадида институтда янги лабораторияни очиб таратилди қўрилмоқда. Бу эса талаба ёшларини шу йўналишдаги кўникмаларини ривожлантиришда таълимий омил бўлади.

**МАРКАЗ — 15 ЁШДА**

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТАРКИБИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН БЎЛИМЛАР АНЧАГИНА. ИЛМИЙ-ТЕХНИК ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ ТАШКИЛ ТОПГАНГА ЭСА 15 ЙИЛ БЎЛДИ.**

Алоқа тармоғи йўналишида олиб борилаётган илмий-техникавий изланишлар самарадорлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган бу марказ ҳозир 160 дан ортиқ компьютер қурилмаси, 70 га яқин асбоб-ускуналарга эга.

Жорий йилнинг ўзида унинг моддий-техника негизи янада бойиди. Натижада маркетинг тadbиротлар олиб бориш учун кенг имкониятлар юзага келди.

**Тиббиёт**

**ШИФОБАХШ ДОРИ-ДАРМОНЛАР**

**«ЎЗФАРМСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОНЦЕРНИГА ҚАРАШЛИ КОРХОНАЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ТУРИ ОРТИБ БОРМОҚДА. АЙНИ ВАҚТДА ТАРМОҚДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛАЁТГАНЛИгини ҲАМ АЙТИБ ҲИШОИРИШ.**

Маҳаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланган ҳолда қатор янги препаратлар тайёрлаш йўлга қўйилди. «Доривор ўсимликлар» корхонасининг ташкил этилиши ҳам айна мудабо бўлди. У мойчечак, тирноқгул, ялғиз, наъматак, дўлана ва бошқа турдаги доривор ўсимликларни етиштириш билан шуғулланмоқда.

Бу эса сифатли дори-дармонлар яратиш учун пухта замин ҳозирлайди.

**ЯНГИ ХИД ПРЕПАРАТЛАР**

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРИ ИНСОН САЛОМАТЛИгини ТИКЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЯНГИ ДОРИ-ДАРМОНЛАРИНИ КАШФ ҚИЛИШ БИЛАН ҲАМ ЯҚИНДАН ШУҒУЛЛАНМОҚДАЛАР.**

Бундай изланишлар натижасида «Газалидон», «Рогасин» каби препаратлар ҳам юзага келди. Жигар касаллигини даволашда наф келтирадиган «Рогасин» дориси пойтахтимиздаги қатор касалхоналарда тажриба-намуна синовидан яхши ўтди.

Илмий муассислик лабораторияларида яна бир қатор янги дори-дармонлар яратилдики, улар ҳам шифобахш хусусиятлари билан ажралиб туради.

**АКАДЕМИЯ ТAVСИЯСИ БИЛАН**

**МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТ КўРСАТА БОШЛАГАНГА ҲАМДА ҲАМДА КўП ЙИЛЛИК БОЙ ТАЖРИБАГА АСОСЛАНГАН ХАЛҚ ТАБОБАТИ МУОЛАЖАСИ КЕНГ ЙўЛГА ҚўЙИЛДИ.**

Қандли диабет, жигар, тери касалликлари, бўғим оғриқларини даволаш жараёни ҳам қўрилган таъсия этилаётган шифобахш усуллардан кўплав беморлар фойдаланмоқда. Абу Али ибн Сино таъсиялари асосида доривор гиёҳлардан «Осиё» деган суюқ дамлама ҳам яратилди.

Беморлар учун «Давра суҳбати» бурчаги ҳам ишлаб турибди.

**Акбар АЛИЕВ**



**Тақдимот**

**ИЖОДКОРЛАРГА ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ**

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КўРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА 2007 ЙИЛ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИГА САЗОВОР БўЛГАН ИЖОДКОРЛАРИ ТАБРИКЛАШ, «ИЖОДИМИЗ ҲАҚИДА ГАПИРСАК» ТУРКУМИДАГИ ИККИНИ КИТОБИ ҲАМДА «ТАСВИРИЙ САҲЪАТ ҲАФТАЛИГИ» КАТАЛОГИНИНГ ТАҚДИМОТИ, ШУНИНГДЕК ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ ИЖОДКОРЛАР УЮШМАСИГА ЯНГИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЁШ ИЖОДКОРЛАРГА АЪЗОЛИК ГУВОҲНОМАСИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИ БўЛИБ ЎТДИ.**

Маросимда ЎзБИУ раислари, ЎзБА академиклари, етуқ рассомлар ва кўллаб таникли намоёндалар иштирок этидилар. Тadbирда Ўзбекистон Бадий академияси раиси, академик Турсунали Қўзиев сўзга чиқиб, бугунги кунда ёш ижодкорларнинг эришаётган ютуқлари, кўрсатаётган ташаббуслари кўзни қувонтираётгани, айниқса мамлакатимизда ёш истеъдодларга яратилаётган шарт-шароитлар, уларга берилаётган алоҳида эътибор таҳсинга лойиқ эканлиги, Юртобшчимизнинг «Келажақ—ёшлар кўлида» деган сўзлари юртимиз ёшларига билдирилаётган катта ишончдан дарак эканлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда санъат соҳасида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, янгиликлар, эришилаётган ютуқлар ҳеч бир ижодкорни беъэтибор қолдирмайди. Жум-

ладан, ушбу маросим ҳам барча ижод аҳли учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айтиш жоизки, юртимизда кўп йиллардан буён ижод қилиб келаётган, давлатимиз равақига ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган фаол ижодкорларимиз давлат мукофотлари билан тақдирланиб келмоқдалар. Албатта бундай эътибор ижодкор учун ҳар нарсадан устундир. Тadbирда давлат мукофотлари билан тақдирланган бир қатор ижодкорларга гулдасталар тақдим этилди. Шунингдек, «Ижодимиз Ҳақида гапирсак» туркумидаги иккинчи китобнинг тақдимотида мамлакатимизнинг таникли рассомлари бадий асар яратиш жараёнининг назарий жиҳатлари, ижодий таҳрибаларининг ўзига хослиги ҳақида ўртоқлашдилар.

—Ушбу китобни нашр этишдан мақсад республика ва хо-

рижда замонавий Ўзбекистон санъатини кенг тарғиб этиш, айниқса санъат асарининг дунёга келиши, яратилиш жараёни ҳақида тушунча берувчи маънавий— маърифий аҳамият касб этувчи нашрларни кенг омма эътиборига ҳавола этишдан иборат, —дейди Турсунали Қўзиев.— Иккинчи китобнинг биринчисидан фарқи шундаки, биринчи жилда фақат рангтаъсир, графика усталари кирган бўлса, иккинчи жилда халқ амалий санъати усталари, фото, ҳайкалтарош рассомларимизнинг ҳам ижодлари ёритилган. Бундай тadbирларнинг ўтказилиши энди танилиб келаётган ёш ижодкорларнинг кўллаб-қувватлаш, келгусида уларнинг ижодий фаолиятларини янада шиддат билан давом эттиришларида кучгайрат ва илҳом бағишлайди, шу билан бирга катта масъулиятни белгилаб беради.

Маросимда Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасига янги қабул қилинган ёш ижодкорларга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Тadbирда Тасвирий-амалий санъат лицейи ўқувчилари томонидан намоийш этилган концерт дастури ййигиланларга манзур бўлди.

**Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: тақдимот маросиминан лавҳалар Алаксей Попов олган суратлар**

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**


**ТОШКЕНТ ШАҲАР ДЕЗИНФЕКЦИЯ СТАНЦИЯСИ ВА УНИНГ ҲўЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТУМАНЛАР ДЕЗИНФЕКЦИЯСИ СТАНЦИЯЛАРИ**

ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар билан 2008 йил профилактик дезинфекция — чивинларга, суваракларга ва пашшаларга, ўрин-кўрпа қандаласига, бургаларга, сичқон, қаламушларга қарши кураш учун шартномалар тузишини шунингдек, аҳолидан буюртма қабул қилишини маълум қилади.

Биз Соғлиқни сақлаш вазирлиги рўхсат этган экологик тоза дез. муоддалар билан иш олиб борамиз.

**Хизматлар лицензияланган.**

Т/р	Туман	Манзиллари	Телефон рақамлари
1.	Уч-тепа тумани	Ҳ. Турсункулов кўчаси, 26-уй, 22- мавзе	217-45-21 274-19-96
2.	Бектемир тумани	Ҳ.Бойқаро кўчаси, 48-уй. Бектемир тумани ДСЭНМининг биносидан	295-26-06
3.	Миробод тумани	Помир кўчаси, 13-уй	291-13-64
4.	Сергели тумани	Мардлик кўчаси, 56-уй	258-52-44
5.	Чилонзор тумани	Арнасой кўчаси, 7-уй	255-57-56 280-56-40
6.	Юнусобод	Манас кўчаси, 19-уй	137-09-61
7.	Яккасарой тумани	Муқанна тор кўчаси, 5-уй	254-09-61
8.	Тошшаҳар ДС	Қорасарой кўчаси, 341-А уй	248-74-73 248-74-36 248-73-96



**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ**

**САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР**

Ёмон билан юрган яхшилик кўрмайди.

Илм олиб, амал қилмаган одам — ерни шуд-горлаб, уруг сочмаган деҳқонга ўхшайди.

Сурати гўзал бўлган одамнинг ахлоқи ҳам гўзал бўлавермайди. Иш суратда эмас, кўнгилдадир.

Арслон билан панжалашмоқ ва қилчичи мушт билан рад этишга уринмоқ — оқилларнинг иши эмас.

Зўр одам билан олишган заиф киши — ўз ҳалокати йўлида душманга кўмаклашган бўлади.

Саёқ итларнинг овчи итларни кўришга кўзи бўлмагани сингари, хунарсизлар ҳам истеъдодли одамларни ёмон кўрадилар. Саёқ итлар овчи итларни кўрганларида ақиллаб, гавго кўпорадилару, лекин олдига боришга юраклари дов бермайди, шунга ўхшаш, разил одамлар ҳам яхшилик қилишда бирор киши билан беллаша олмаганларидан кейин, гийбат, бўхтон қилишга киришадилар.

Жоҳил билан баҳслашган олим иззат умид қилмай кўя қолсин. Башарти, жоҳил баҳслашувда олимдан устун чиқса, ажабланарлик ери йўқдир, чунки ҳамиша тош гавҳарни синдиради.

Доннинг аҳмоқлар даврасида сукут этишга мажбур бўлиши ажабланарли эмасдир, чунки ҳамиша ногора овози танбур овозини эшиттирмай кўяди ва сассиқ саримсоқ хиди анбар исини босиб кетади.

Аттор мақтаган нарса мушк эмас, балки хуш бўй таркатадиган нарса — мушқдир. Доно — атторнинг дўқонига ўхшайди. Сукут қилиб, ўз билимини намойиш этади, жоҳил эса ногора кабидир, гумбурлайди-ю, лекин ичи бўшдир.

Бир умрга эга бўлинадиган дўстни бир лаҳзада хафа қилиш ярамайди.

Оз-оз йигилиб кўп бўлур, тома-тома кўл бўлур, яъни заиф одамлар майда тошларни йиғиб сақлайдилар ва фурсат келди дегунча золимнинг бошини мажаклайдилар.

Олим авомнинг саҳву хатоси ёнидан мулойимлик билан ўтиб кетмаслиги лозим, чунки бу ҳар икки тараф учун зарарлидир: олимнинг иззатига путур этади, авомнинг жаҳолати чуқурлашиб кетади.

Шайтонга мансуб бўлган гуноҳ ким томонидан содир бўлса-да, номақбулдир! Чунки илм шайтонга қарши бир қуролдир ва қурол соҳиб бўлган одам душманга асир тушса, шармандалик янада бешбаттар ортган бўлади.

Қаҳатчилик йилида қийналиб қолган фақирнинг ярасига малҳам ва қўлига бир оз пул бера оладиган бўлсангиз ундан "Ҳолинг қалай?" деб сўрагин.

Ибодат қилувчи авом — йўл юрган пиёдага ва сусткаш олим эса йўлда уйқуга кетган отликка ўхшайди.

Афв сўровчи гуноҳдор — гурурланиб кетган такводдордан яхшироқдир.

Султон инъом қилган либос иззатли бўлса-да, лекин ўзининг нимдош кийиминг ундан кўра иззатлироқдир. Улуғларнинг дастурхони лазиз бўлса-да, лекин кишининг ўз тўрвасидаги нони ундан кўра лазизроқдир.

Тусмол билан дори ичмоқ ва карвонсиз нотаниш йўлга чиқмоқ — оқиллар раёйига хилоф ишдир.

Имом Ғаззолийдан: "Илмда бундай юксак даражага қандай етишдинг?" деб сўрадилар. У: "Билмаган нарсамни сўраб ўрганишдан уялмадим", деди.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!**

«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасининг

**«ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» филиали**

Барчангизни ўзининг қутлуғ қадамлари билан кириб келаётган Янги — 2008 йил билан чин дилдан қутлайди.

Сизларга Янги йил байрамини тўқтин дастурхон агрофида билан ўтказишга тилаган ҳолда фурсатдан фойдаланиб қўйишдагиларни алоҳида эслатиб ўтамиз:

— Газ асбобларини қаровсиз қолдирманг ва беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг.

— Газ асбобларини ўрнатилган ва таъмирлаш масалаларида ўсбошимчаликка йўл қўймай, тумангаз мутахассисларига мурожаат этинг.

Мабодо газ ҳидини сезиб қолсангиз, зудлик билан тумангаз авария-диспетчерлик хизматиغا ёки Марказий авария-диспетчерлик хизматиغا мурожаат қилинг. 04, 255-44-27, 255-44-29, 255-56-19, 255-56-31 рақамли телефонлар сизнинг хизматингизга ҳамиша шай.

Табиий газдан оқилона фойдаланиш ва фойдаланилган газ қаққини ўз вақтида тўлаш хонадонингизда ҳамиша «сангори олов»нинг беминнат хизмат кўрсатишида муҳим аҳамият касб этишини унутманг.



**Кириб келаётган 2008 йил барчангиз учун бахтли йил бўлсин! «ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» МАЪМУРИЯТИ**

**Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ**

1.	11	Амир Темура АШБ-Қўйлик 4-даҳаси	Микроавтобус
2.	12	Ҳамза метроси — Тансиқбоев мавзеси	Микроавтобус
3.	17	Курувчилар мавзеси — Уйғур кўчаси АШБ	Микроавтобус
4.	21И	Ал Хоразмий мавзеси — Чилонзор буюм бозори АШБ	«Дамас»
5.	23	Офицерлар уйи - Дўстлик-2 мавзеси	Микроавтобус
6.	71	Чилонзор 12-даҳа-Олой бозори АШБ	Микроавтобус
7.	86	Қорақамиш 2/4 даҳаси — Амир Темура АШБ	Микроавтобус
8.	89	Сергели-4 мавзеси - Тошкент вокзали АШБ	Микроавтобус
9.	100	«Ўрикзор» мавзеси — Олой бозори АШБ	Микроавтобус
10.	141	17-шаҳар шиφοхонаси — Юнусобод 12-даҳаси	«Дамас»
11.	151	«Оқтепа» маҳалласи — Юнусобод 4-даҳаси	«Дамас»
12.	174	«Гулзор» маҳалласи -17-шаҳар шиφοхонаси	«Дамас»
13.	185	Чилонзор 25-даҳа АШБ-Дўмбиробод АШБ	«Дамас»

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

**Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:**

**1.2008 йил 25 январь соат 10.00 да**

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш ва тендер ҳужжатлари пакетини бериш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Санот Қурилиш Банкнинг Амалиёт Бўлими»даги 2021000060419797101 х/р (банк коди 00440, СТИР 204094453, ХХТУТ 51600)га **54100** сўм ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказилади-ган кундан бир кун олдин (соат 17.00 да) тўхтатилади.

**Тендер ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, А.Темура 1-тор кўчаси, 6-уй.

**Маълумот учун телефон:** 133-89-58

**2008 йил 10 январь соат 10.00 да «Иссиқликэлектрлойдига» ОАЖнинг (Шахризаб кўчаси, 22) катта залида манфаатдор шахслар, мутахассислар ва ташкилотларнинг учрашуви бўлиб ўтади. Учрашувда Тошкент Иссиқлик станциясида 370 МВт қувватли бугаз қурилмасини ўрнатиш лойиҳаси муҳокама қилинади. 153-54-97 телефони орқали Татьяна Хомовага мурожаат қилинг.**

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ**

2007 йил 28 ДЕКАБРДАН 2008 йил 13 ЯНВАРГАЧА

Мақтаб ўқувчиларининг киши таътил кунларида Тошкент давлат цирки барчангизни «ЗОЛУШКА»

цирк спектаклига таклиф қилади. Сехрли эртақнинг қизиқ воқеалари — сизга мунтазир!

Томошалар соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда. Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

Банкрот-корхона ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи»ни тугатиш иши юзасидан Маълумот.

ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи»нинг кредитор ва акциядорларига тегишли суммаларни (тугатиш жараёнида ўз вақтида олинмаган) олиш учун Тошкент шаҳар 1-сонли Яққасарой туман Давлат нотариусига (манзил: Тошкент шаҳри, М.Таробий кўчаси, 8-уй) мурожаат қилиб, ДАТ «Халқ банки»нинг Яққасарой филиалида (манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Ш.Абдуллаев кўчаси, 2-«а») очилган депозит ҳисоб варақаси орқали берилади.

Маълумотнома ва архивга боғлиқ маълумотлар 100207, Тошкент шаҳри, Ғалабаининг 40-йиллиги мавзеси, 2-даҳа, 29-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Давлат Архиви томонидан берилади.

Заводнинг собиқ ходимлари учун Шахсий жамғириб бориладиган пенсия дафтарчалари ДАТ «Халқ банки»нинг Собир Раҳимов филиали томонидан берилмоқда.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзили-миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

Буюртма Г-1107

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

**Манзили-миз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қозғоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.